Ушбу сонда:

ЕРНИНГ УВОЛИ 2

"ЛЕГАНЗА" ТУЗОҒИ 3

"ИМЗОЛАР МЕНИКИ ЭМАС!.." 4

ЖАЗОЛАНМАГАН... ҚОТИЛ

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 16 (372)
2004 йил 27 апрел сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситада қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.**

**Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.**

**Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек, шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.**

**Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш таъқиқланади.**

**Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.**

**Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки тахаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.**

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 13-МОДДА

Istiqlol va imkoniyat

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, маданий ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади ҳамда қонунчиликнинг негизини ташкил этади.***

***Албатта, бу ҳуқуқларнинг асосини яшаш ҳуқуқи ташкил этади. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи бўлиб, туғилиш жараёнининг ўзиданоқ бошланади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят саналади.***

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий талабларидан бири шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва айбсизлик презумпциясидир.

Шахсий дахлсизлик тушунчаси ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ва қамоқда сақланиши мумкин эмаслигини англатади.

Шахснинг бирон-бир жиноятни содир қилганликдаги айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз ҳисобланиши айбсизлик презумпциясида ўз ифодасини топган.

Шахсий дахлсизликни, шунингдек, айбсизлик презумпциясини таъминлаш шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбуриятлари ҳамда ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларининг устиворлиги билан амалга оширилади. Халқаро миқёсда эътироф этилганидек, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Шу сабабли мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетилишига олиб келадиган, соғлиғини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш таъқиқланади.

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг бир бўлаги бўлган турар-жой дахлсизлиги ҳам Конституция асосида кафолатланган. Унга мувофиқ ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллар ва тартибдан ташқари бировнинг турар-жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор этишга ҳақли эмас. Таъкидлаш жоизки, инсоннинг шахсий ҳуқуқларига риоя қилмаслик Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида назарда тутилган жавобгарликларни келтириб чиқаради. Хусусан, инсон ҳуқуқларини паймол қилиш ва бошқа шунга ўхшаш ноқонуний хатти-ҳаракатларни олдини олиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ва айбсизлик презумпциясини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексининг 235-моддасида қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Инсон ҳуқуқларининг яна бир кўриниши шахсий эркинликлардир. Шахсий эркинликлар таркибига ҳар кимнинг фикрлаш, сўзлаш ва ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик каби эркинликлари киради.

Фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари фуқаролик ҳуқуқлари ҳисобланади. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш, яъни сайланиш ёки сайлаш, уюшма, партия ва бошқа жамоат бирлашмалари аъзолигига ихтиёрий кириш ва чиқиш, давлат идоралари ёки халқ вакиллик идораларига мурожаат қилиш ана шундай ҳуқуқлар жумласидандир.

Иқтисодий ҳуқуқлар деганда эса, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи тушунилади. Шахсий мулк дахлсизлиги Конституция ва қонунлар билан кафолатланган.

Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, дам олиш, ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, бепул умумий таълим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари ижтимоий ҳуқуқлар сирасига киради.

Санаб ўтилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида қатъий кафолатланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори билан Адлия вазирлиги таркибида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг ташкил этилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ўтказилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Адлия вазирлиги тизимидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва бўлимларига давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш, давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни, шу жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш соҳасига тааллуқли таҳлилий, статистика материаллари ва бошқа материалларни сўраб олиш, мутасадди идораларнинг раҳбарларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини ва унинг сабабларини бартараф этиш, шунингдек, инсоннинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ҳуқуқлари берилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 февралдаги қарори билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш ишларини такомиллаштириш ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилди.

*(Давоми иккинчи бетда)*



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши 26 апрель куни бўлиб ўтди. Йиғилишни ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров олиб борди.

Йиғилишда кичик гуруҳлар раҳбарларининг иккинчи чақириқ парламентнинг ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилганлиги маълумот учун қабул қилинди. Сиёсий партияларнинг депутатлар фракцияларидан, депутатлар блоклари ва сайловчилардан, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларидан қатор таклифлар тушди.

Бу таклифлар Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида диққат билан ўрганилиб, ҳужжатларни маромига етказишда ҳисобга олинди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари, ишчи гуруҳларининг сессияга тайёргарлик давридаги фаолияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилди. Депутатларга сессия иши давомида ташкилий-техникавий хизмат кўрсатиш, улар учун зарур шароитлар яратиш масалалари ҳал этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакат Давлат бюджетининг 2003 йилдаги ижросининг ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятимизни янада эркинлаштириш билан боғлиқ қонун лойиҳаларининг сессияда муҳокама қилиниши адолатли демократик давлат барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

Қонун ҳужжатлари лойиҳалари устида олиб борилаётган ишларни давом эттириш, тушаётган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни диққат билан ўрганиш, парламентнинг самарали иш олиб боришини таъминлаш юзасидан белгилаб олинган тадбирларни амалга ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Йиғилишда тегишли хизмат бўлинмаларининг ахбороти ҳам тингланди.

Парламент сессияси иши тўғрисида жамоатчиликни янада муфассалроқ ва тезкорлик билан хабардор этиш мақсадида аккредитация қилинган журналистлар учун матбуот маркази ташкил этилди. Марказ оммавий ахборот воситалари вакилларининг самарали ишлаши учун зарур алоқа воситалари, нусха кўпайтириш техникаси ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Депутатлар ишчи гуруҳи йиғилишининг иштирокчилари амалга оширилган тайёргарлик ишлари иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясини сиёсий, профессионал ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишга кўмаклашади, деб ишонч билдирдилар.

Ajab savdolar

# ТОРТИШУВ

## текширувчилар ваколат доирасидан чиққандан сўнг юзага келди

Мамлакатимизда аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи корхона ва ташкилотлар томонидан нақд пул тушумини яшириш ҳоллари қонун бўйича таъқиқланган. Бундай ҳол аниқланган тақдирда Вазирлар Маҳкамасининг 264-сонли қарори 3-бандига кўра, солиқ идорасининг қарори билан яширилган нақд пул миқдорида молиявий жарима солинади.

Нурота туман давлат солиқ инспекцияси тумандаги "Истиқбол" масъулияти чекланган жамиятга 5 миллион 402 минг 317 сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисида 18-сонли қарор қабул қилганди. Навоий вилоят адлия бошқармаси "Истиқбол" масъулияти чекланган жамияти манфаатларини кўзлаб, вилоят хўжалик судига даъво ариза киритди. Унда туман давлат солиқ инспекцияси томонидан жамиятга нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги 18-сонли қарорни ҳақиқий эмас, деб топиш сўралган эди.

Вилоят хўжалик суди судьяси Б.Ялғошев раислигида шу йилнинг 10 мартида бўлиб ўтган суд мажлисида даъво талабини қаноатлантирилиши тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилди. Яъни суд Нурота тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан 2003 йилнинг 18 мартда "Истиқбол" масъулияти чекланган жамиятга нисбатан 5 миллион 402 минг 371 сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги 18-сонли қарорни ҳақиқий эмас, деб топди.

Хўш, туман солиқ инспекциясининг бир йил муқаддам қўллаган молиявий жаримаси нега суд қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилди. Ким, қандай хатога йўл қўйди?

"Миллий банк"нинг Навоий вилоят бўлими ўтган йил 27 феврал куни Нурота тумани солиқ инспекциясига 718/20 сонли хабарнома жўнатади. Унда "Истиқбол" масъулияти чекланган жамияти 2003 йилнинг январ ва феврал ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 18 миллион 917 минг сўм пул кўчириб, етказиб берилган маҳсулотларни сотишдан жамият хазинасига 6 миллион 700 минг сўм савдодан тушган нақд пулни топширгани маълум қилинади.

Бу хабарномага асосланган Нурота туман давлат солиқ инспекцияси туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятга қарши курашиш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда "Истиқбол" масъулияти чекланган жамиятига боришади. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман ҳудудий комиссиясининг 2003 йил 12 мартдаги рухсати, туман солиқ инспекцияси ҳамда туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлимининг 14 мартдаги буйруқларига асосан жамиятда қисқа муддатли текшириш ўтказилади.

*(Давоми иккинчи бетда)*

Saboq

***Аввало шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъекти банк муассасасидаги маблағига ўзи хўжайин. У пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этади. Зотан, бу ҳуқуқ "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунда белгилаб қўйилган.***

# ЛАВОЗИМДАН ЧЕТЛАШТИРГАН ТАҚДИМНОМА

Жумладан, мазкур қонуннинг 21-моддасида шундай қайд этилган: **"Банк муассасалари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пул маблағларидан фойдаланиш йўналишларини белгилаб бериш ва назорат қилишга ҳамда пул маблағларини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқларини қонунда ёки ҳисоб варағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас".**

Тадбиркорлик субъектининг банкдаги маблағи-ю, ҳуқуқлари тўғрисида нега гап очилди экан, деб ўйлаган чиқарсиз?! Унда эшитинг.

"Бешиктош" фермер хўжалиги "Пахтабанк"нинг Учтепа бўлими мижози. Фермер хўжалиги раҳбари Мақсуда Имомова ўтган йилнинг 22 декабр куни банкка келиб, ҳисоб рақамидаги 7 миллион 400 минг сўм пул маблағини қарздорлиги бўйича "Муяссар-Ш" фермер хўжалигига ўтказиш учун 4-сонли тўлов топшириқномасини тақдим этади. Банк бошқарувчисининг муовини Ориф Фозилов пулнинг кўчирилишига розилик билдириб, тўлов топшириқномасига имзо қўяди. Аммо банк бош ҳисобчиси Ғулом Исоқов томонидан пул кўчирилмасдан қолади.

Маблағ эгаси Мақсуда Имомова "Муяссар-Ш" фермер хўжалиги раҳбарига қарзни пул кўчириш йўли билан узаётганини маълум қилади. Пул эса кўчмай қолади. Эртаси кун, яъни 23 декабр куни М.Имомова яна банкка келиб, пул маблағини тўлов топшириқномасига асосан кўчиришларини талаб қилади. Шунда банк бош ҳисобчиси Ғ.Исоқов М.Имомовага кеча ёзиб берган тўлов топшириқномаси йўқолганини, шунинг учун 6 миллион 658 минг сўмга тўлов топшириқномаси ёзиб келишини айтади. Шундан кейин "Бешиктош" фермер хўжалиги ҳисобидан "Муяссар-Ш" фермер хўжалиги ҳисоб рақамига 6 миллион 658 минг сўм маблағ ўтказиб берилади.

Таҳлил қилиб қараганда, банк томонидан мижознинг ҳисоб варағидан маблағни ўтказиш ҳақидаги фармойиши ўз вақтида бажарилмади. Тадбиркорнинг пул маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқлари асоссиз равишда чеклаб қўйилди. Банк муассасаси томонидан Фуқаролик кодексининг бир қатор моддалари талаблари қўпол равишда бузилди.

Фермер хўжалиги раҳбари М.Имомованинг аризасини ўрганган Жиззах вилоят адлия бошқармаси аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида "Пахтабанк"нинг Учтепа бўлими бошқарувчиси М.Мамадиев номига тақдимнома киритганди. Яқинда мазкур тақдимномага адлия бошқармасига жавоб хати келди. Унда ёзилишича, қонун талабларининг қўпол равишда бузилишига сабабчи бўлган Ғ.Исоқов банк бош ҳисобчиси вазифасидан озод этилган.

Кўриниб турганидек, тадбиркорлик субъектига нисбатан нохолис муносабат тўсқинлик деб тушунилади ва у жазога сабаб бўлади.

**Мирзабек ЁҚУБОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Talab, taklif, mulohaza

# ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК: ЖАЗО ВА САМАРА

ИККИНЧИ МАҚОЛА

Қайд этиш жоизки, Жиноят кодексидаги ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, деганда айбдор томонидан мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар юридик (МЖТК 61-моддаси бундан мустасно) ва жисмоний шахсларга тегишли моддий қийматга эга бўлган буюм, нарса, пул ва шунга ўхшаш бойликларни ғараз мақсадларда ноқонуний бойлик ортириш учун ўз эҳтиёжи ёки айнан шу мақсадда бошқа шахсларга текин бериб юбориш тушунилади.

Қонун ҳужжатлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш объектив томондан турли усулларда, жумладан, босқинчилик, товламачилик, талончилик, фирибгарлик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растарата қилиш йўли билан содир этилиши мумкин.

Ўзгалар мулки айбдор томонидан эгалланган ёки олинган пайтдан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Чунки айнан шу вақтдан бошлаб мулк эгаси, яъни мулкдор ўзига тегишли мулкдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум этилади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, фуқаролик ҳуқуқида мулк ҳуқуқи хусусида сўз юритганда, мулкни эгаллаш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш каби белгиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Чунки мулкдор ўзига тегишли мулкни эгаллайди, муайян мақсадларда фойдаланади ёки мулкини бировга бериб юбориб тасарруф этади. Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида эса ўзганинг мулкини талон-торож қилиш, яъни жиноят деб баҳолашда юқорида санаб ўтилган учта белги аҳамиятга эга эмас. Фақат мулк эгасининг рухсатисиз ноқонуний тарзда, турли усулларда, масалан, яширин равишда (ўғрилик), очиқдан-очиқ (талончилик), алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш (фирибгарлик), ишониб топширилган ёки ихтиёрида бўлган мулкни (ўзлаштириш ёки растарата қилиш йўли билан) текинга, яъни бепул олиниши оқибатида айбдорнинг манфаат кўриши, яъни субъектив томондан ғараз манфаатни кўзлаб бойиши, мулкдор бўлиш учун объектив томондан маълум ҳаракатларни содир этиши оқибатида мулк эгасига зарар етказилганини аниқлаш кифоя. Энг муҳими, тергов ва суд ўзганинг мулки талон-торож қилиш қайси усулда амалга оширилганини фарқлаши, бир сўз билан ифодаланганда, мулк айбдорнинг ихтиёрига қандай йўл билан ўтганини аниқлаши зарур. Масалан, босқинчилик ёки товламачиликда айбдор мулкни қўлга киритиш учун биринчисида ҳужум қилиши, зўрлик ишлатиши ёки зўрлик ишлатиши билан қўрқитиши, иккинчисида эса қўрқитиб, талаб қилиб, мулк ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солган пайтидан бошлаб, яъни мулк тўла-тўкис айбдорнинг ихтиёрига ўтмаган бўлса-да, жиноятлар тугалланган ҳисобланади. Талончилик, фирибгарлик, ўғрилик, ўзлаштириш ёки растратада мулк қонуний эгасидан ноқонуний усулда айбдор ихтиёрига ўтгандан сўнг қилмиш тугалланган жиноят деб малакаланади.

Агар айбдорнинг мақсади маълум бир миқдордаги ёки қийматдаги мулкни олишга қаратилган бўлса-ю, аммо у шу мулкни бир қисмини қўлга киритган пайтида қилмиши фош этилган, яъни унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноят охирига етказилмаса, бу ҳолат жиноятга суиқасд қилиш деб баҳоланиши керак. (ЖКнинг 25-моддаси).

Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас, деган қонун талабидан (ЖПКнинг 463-моддаси) келиб чиққан ҳолда аудит ёки тафтиш давомида аниқланган камомад ўз-ўзича ўзлаштириш ёки растрата тушунчасини (ЖК 167-моддаси) билдирмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунинг учун ўзлаштириш ёки растрата билан боғлиқ ҳар бир жиноят иши бўйича айбдор ўзига ишониб топширилган мулкни ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўз фойдасига ишлатиш, сарфлаш учун эгаллагани, яъни ўзлаштиргани, шунга ўхшаш айбдор худди шундай бирон-бир мулкни бошқа шахсларга бериб юборгани, яъни растрата қилгани тергов ва судда исботланган бўлиши шарт.

*(Давоми учинчи бетда)*

Talab, taklif, mulohaza

# ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК: ЖАЗО ВА САМАРА

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Таъкидлаш жоизки, судлар мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш орқали ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растарата қилиш йўли билан талон-торож қилиш (ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "г" банди) жиноятини ҳокимият ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖКнинг 205-моддаси) жиноятидан фарқлашлари зарур. Чунки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата қилишда айбдор жиноий қилмиши йўналтирилган мулкни бошқариш ва тақсимлаш ваколатига эга бўлади. Ана шу ваколат ва ишончдан фойдаланиб, у мулкни ноқонуний ўз фойдасига ёки бошқа шахслар фойдасига ўтказади, яъни мулк ноқонуний айбдорга ёки айбдор орқали иккинчи ёки учинчи шахслар ихтиёрига ўтади. Айбдорнинг бундай қилмиши Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди билан тасниф қилинади.

Ҳокимият ва мансаб ваколатини суиистеъмол қилишда айбдор мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши натижасида юридик ёки жисмоний шахсларнинг муайян ҳуқуқ ёки қонуний манфаатларини бузилишига йўл қўйиб, уларга кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказади, аммо бундай вазиятда айбдорнинг бирон-бир мулкни олиш, эгаллаш мақсади бўлмайди, яъни охир-оқибатда ўзи мулкий фойда олишни кўзламайди. Шунинг учун унинг қилмиши Жиноят кодексининг 205-моддаси тегишли қисми билан малакаланади.

Шу ўринда Олий суд Пленумининг **"Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиётининг айрим масалалари ҳақида"**ги 2002 йил 25 октябридаги 26-сонли қарорининг 6-бандидаги қуйидаги тушунтиришни эслатиб ўтиш жоиз: **"Тадбиркорлик фаолияти субъектларини Жиноят кодексининг 167-моддаси билан жавобгарликка тортишда хусусий фирма ва корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари мулкдорлари ўз мулкларини шахсий мақсадларда тасарруф қилганликлари учун ушбу модда билан жавобгарликка тортишлари мумкин эмаслигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.**

**Тадбиркорлик фаолияти умумий хусусий мулкчиликка асосланган ҳолларда, мулкдорлардан бири бундай мулкни талон-торож этса, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун, бу ҳақда мулкдорлар ваколатли органининг белгиланган тартибда қабул қилинган қарори ёки мулкдорларнинг аризаси мавжуд бўлиши шарт".**

Жиноий-жазоларнинг либераллаши муносабати билан Жиноят кодексининг 167, 168 ва бошқа меъёрларига киритилган рағбатлантирувчи меъёр мазмунидан шу нарса аёнки, иштирокчиликда жиноят содир этган шахснинг жиноий қилмиши оқибатида етказилган моддий зарар ким томонидан, жумладан, иштирокчилардан бири томонидан тўлиқ миқдорда қопланганидан қатъи назар, айбдорларнинг барчасига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Чунки жабрланувчининг аризасига кўра ва унинг манфаатларини кўзлаб, суд биргаликда зарар етказган айбдорга ҳиссали жавобгарликни юклаши мумкинлиги Фуқаролик кодексининг 1000 моддаси 2-қисмида қайд этилган.

Бундан ташқари, ҳиссали тартибда жавобгарликка тортиш масаласини суд ҳукм чиқариш вақтида алоҳида хонада (маслаҳатхона) ҳал этиши мумкинлиги ЖПКнинг 457-моддаси 1-қисми 10-бандида ҳам кўрсатилган. Иккинчидан, иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича жиноий жазоларни либераллаштириш лозимлигига судлар эътибори жалб этилаётган ҳозирги кунда суд амалиётида иштирокчиликда жиноят содир этган шахсларга зарарни қоплашда ҳиссали жавобгарлик тартибини тушунтириш ва амалда қўллаш жазо тайинлашда инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига тўлиқ риоя этилишига кўмаклашади.

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўришда жиноятнинг сабаблари ҳамда унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш чорасини кўриш жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари жуда хилма-хил. Қолаверса, бундай таъсир чорасини кўриш келгусида бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этишнинг олдини олишга хизмат қилиши билан бир қаторда жазонинг умумий мақсадини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Суд амалиётида кўрилаётган жиноят ишлари материаллари таҳлили иқтисодиёт соҳасидаги айрим ишлар бўйича жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашга тергов ёки суд етарлича эътибор бермаётганлигидан дарак бермоқда. Айниқса, зарарни қоплаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари, жумладан, мулкни хатлаш (ЖПКнинг 290-моддаси), хатланган мулкни баҳолаш, олиб қўйиш ва сақлаш (ЖПКнинг 293-294-моддаси) чораларини кўрилмаслиги оқибатида жабрланувчиларнинг талаби ўз вақтида ҳал этилмаслигига олиб келиши мумкин. Фикримизча, судья ЖПКнинг 398-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал этишда дастлабки тергов даврида жиноят оқибатида етказилган мулкий зарарнинг қопланмаганига эътибор бериши, айниқса, тергов жараёнида зарарни қоплаш чораси кўрилмаган бўлса, тергов идораси зиммасига зарарни қоплаш билан боғлиқ тергов ҳаракатларини амалга ошириш вазифасини юклаш шарт, деган фикрдамиз.

Хулоса қилиб айтганда, тергов ва суд амалиётида иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари юзасидан қилмишни тўғри тасниф қилиш, зарарни ўз вақтида қоплаш ёки айбдорларга зарарни қоплаш билан боғлиқ қонунчиликдаги меъёрлар мазмунини тушунтириш чорасини кўриш айбдорларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларидан бирини тайинлаш, яъни жиноятчини жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялашга имкон яратишдан ташқари жиноят қурбонларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини тиклаш, халқимизнинг суд идораларига ишончининг янада ортишига хизмат қилади. Бу эса ижтимоий адолатнинг қарор топишига олиб келади.

**Мавжуда РАЖАБОВА,**
**юридик фанлари номзоди**

Mitti maslahat

# ВАСИЯТНОМА

## У ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ТУЗИЛАДИ?

Фуқаролик ҳуқуқида васиятнома муҳим юридик ҳужжат ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 22-моддасига асосан нотариуслар муомала лаёқатига эга бўлган фуқаро нотариусга шахсан тақдим этган васиятномаларни тасдиқлаши шарт. Битта васиятномани бир неча шахс номидан, шунингдек, вакил орқали расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида белгиланганидек, васиятнома ёзма равишда тузилиши, унинг тузилган жойи ва вақти кўрсатилиши ҳамда васият қилувчи томонидан ўз қўли билан имзоланиши керак.

Васият қилувчи жисмоний камчилик, касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаган тақдирда, бу васиятнома ушбу қўлланманинг 13-бандида баён этилган қоидалар асосида бошқа фуқаро томонидан имзоланиши мумкин.

Васият қилувчи томонидан нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс, васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юкланган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва эваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари; тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар; саводсизлар ёки васиятномани ўқий олмаган бошқа шахслар; ёлғон гувоҳ берганлиги учун судланган шахслар васиятномани имзолай олмайди.

Мулк ўз фойдасига васият қилинган фуқаро бу ҳақда васият қилувчининг ўзи томонидан илтимос қилинмаган ҳоллардан ташқари барча ҳолларда васият тузилаётган вақтда иштирок этиши мумкин эмас. Шундай илтимоснинг мавжудлиги ҳақида васият қилувчи ва нотариуснинг имзолари ҳамда нотариал идора муҳри билан тасдиқланган васиятноманинг иккала нусхасига ҳам ёзиб қўйилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра, нотариус васиятномани унинг мазмуни билан танишмаган ҳолда тасдиқлаши мумкин.

## МАХФИЙ ВАСИЯТНОМА НИМА?

Махфий васиятнома ҳақиқий эмас, деб топилиши хавфини назарда тутган ҳолда васият қилувчи томонидан ўз қўли билан ёзиб, уни шахсан ўзи имзолаши мумкин. Бу васиятнома нотариус ва икки гувоҳ иштирокида хатжилдга солиб елимланади, гувоҳлар имзо қўйиб, ўз фамилиялари, исм-шарифлари ва доимий яшаш жойларини ёзиб қўяди. Гувоҳлар томонидан имзоланган бу хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солиб елимланади. Унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

Махфий васиятнома нотариал ҳаракатлар ёзиладиган реестрда қайд этилиб, алфавитга киритилади ва васиятномалар турадиган жойда сақланади.

Васият қилувчининг ёзма аризасига биноан васиятнома васият қилувчи ёки нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниб, унинг ҳамма нусхалари йўқ қилиниши мумкин. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлиги нотариал тарзда шаҳодатланиши лозим.

Васиятномани тасдиқлаган нотариус ёки бошқа мансабдор шахс васият қилувчининг фармойишига биноан васиятномани бекор қилиш ҳақидаги қарорни нотариал ҳаракатлар қайд этиладиган реестрга, алфавитли дафтарга ёзиб қўяди ва уни имзолаб, муҳр билан тасдиқлайди.

**Матлуба НЕЪМАТОВА**



Сув ёқалаб...

Taajjub

***Азал-азалдан эр-хотин эзгу орзу-мақсадлар йўлида оила юкини бамаслаҳат тортиб келади. Фарзанд улғайтиришади, иморат қуришади, тўй-маракалар қилишади. Агар оилада эр ёки хотин енг ичида ёки хуфиёна бирон иш қилса, оиладаги тотувликка дарз кетиши, ишонч йўқолиши аниқ. Ота-боболаримиз эр-хотин қўш ҳўкиз, деб бежиз айтишмаган.***

# "ИМЗОЛАР МЕНИКИ ЭМАС!.."

## ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ «РАҲБАРИ» ДАЪВОНИ НЕГА ТАН ОЛМАДИ?

Эр-хотин Гулмурод Ҳаққиев ва Зуҳро Ҳайитова Жондор тумани Алелича қишлоғида умргузаронлик қилишади. Улар беш фарзандни тарбиялаб, вояга етказишаяпти, 2002 йилнинг июн ойи бошларида Гулмурод оиласидан яширинча бир ишга қўл урди. Қандай ишга дейсизми? Қуйида буни билиб оласиз.

– Мен Бухоро вилоят хўжалик судининг 20-0406\467-сонли хўжалик иши бўйича 2004 йил 1 апрелда чиқарилган ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим, ҳал қилув қарори нусхасини олиб ҳайратим янада ошди, – дейди "Ҳайитова Зуҳро" деҳқон хўжалиги "раҳбари" Зуҳро Ҳайитова. – Ҳеч қандай деҳқон хўжалиги очмаган бўлсам-у, даъвогарнинг даъвосини нега тан олишим керак? Банкдан кредит олмаганман. Қўйилган имзолар ҳам меники эмас. Бу ишлардан умуман хабарим йўқ. Буни шу йил 5 мартда бўлган суд мажлисида ҳам баён этганман.

Деҳқон хўжалиги раҳбари – даъвогар банк даъвосини нега тан олмаяпти? Келинг, масалага ойдинлик киритайлик.

Ғап шундаки, 2002 йил 6 июнда "Алоқабанк"нинг вилоят бўлими ва "Ҳайитова Зуҳро" деҳқон хўжалиги ўртасида кредит шартномаси тузилади. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш мақсадида 2002 йил 11 ноябр куни тумандаги "Кўзгу" фермер хўжалиги билан кафиллик шартномаси имзоланади. Мазкур шартномада кафил қайси кредит шартномасига асосан қанча миқдордаги кредит ва фоиз суммасининг қайтарилиши мажбурияти бўйича жавобгарликни бўйнига олади. Шартнома учала юридик шахслар томонидан тасдиқланади.

"Алоқабанк"нинг вилоят бўлими 2002 йил 12 ноябрда деҳқон хўжалигига йиллик 24 фоиз устама тўлаш шарти билан 2004 йил 6 июлга қадар чорва маҳсулотлари сотиб олиш учун 3 миллион сўм кредит ажратади.

Бор-йўқ гап шундан иборат.

Хўш, бунинг нимаси ёмон дейсизми?

Гап шундаки, Зуҳро Ҳайитова фирибгарлик тузоғига тушган. Бунинг устига уни бегона эмас, ўз эри алдаган. Яъни эр бўлмиш Гулмурод Ҳаққиев хотинининг номидан деҳқон хўжалиги ташкил қилган, банкдан кредит олган...

– Турмуш ўртоғим менинг номимдан ариза ёзиб, "Ҳайитова Зуҳро" деҳқон хўжалигини очган. "Алоқабанк" билан кредит шартномаси тузиб, 3 миллион сўм кредит олганидан менинг хабарим йўқ. Эрим менга бу ҳақда лом-мим демаган. Бу маблағнинг бирор сўмини олганим ҳам, кўрганим ҳам йўқ. Хўжаликнинг муҳри ва штамплари кимдалигини билмайман, – дейди Зуҳро Ҳайитова.

Бундан ташқари, суд мажлисида кафиллик шартномасига имзо чеккан "Кўзгу" фермер хўжалигининг раҳбари Фатулла Бобоев Гулмурод Ҳаққиевнинг ялиниб-ёлворишларига ишониб, тегишли ҳужжатларга қўл қўйиб, муҳр босиб берганини тан олди.

Яна бир ажабланарли ҳолат. Банк кредит бўлими бош мутахассиси Илҳом Шарипов 2002 йилнинг 10 декабрида банкдан олинган кредитнинг мақсадли ишлатилганлигини текшириб, хамирдан қил суғургандай далолатнома ёзади.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

***Бировнинг жонига қасд қилиш у ёқда турсин, оддийгина жиноятга қўл уришга ҳам ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Шунинг учун ҳар қандай жиноят — у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, муқаддас китобларда ҳам, қонунларда ҳам қаттиқ қораланади. Ножўя қадам одамга ҳеч маҳал рўшнолик келтирмайди. Шундай экан, инсонийликка хилоф хатти-ҳаракатни ҳеч қандай важ-баҳона билан оқлаб бўлмайди. Ҳаётда шундай ҳам бўладики, қабиҳ жиноятга қўл урган кимса қонуний жазони ўтагач, одамлар у билан ош-қатиқ бўлишдан ўзини олиб қочади.***

# ҚОРА ҚИЛМИШ

Бу элнинг назаридан қолиш дейилади. Ўзини жиндек ҳурмат қилган одамга бундан оғир жазо йўқ. Яқинда Қўшкўпир туманида туғилган Ёрқиной Отажонова деган аёл ҳам ана шундай қабиҳ ишга қўл урди. У нафақат ўз шаънини топтади, балки аёл деган муқаддас номга ҳам иснод келтирди. Аниқроқ айтганда, у қабиҳ қилмиши билан ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган бокира қизнинг умрига зомин бўлди.

Урганч шаҳри, "Наманган" кўчаси, 51-уйда ижарада яшаган бу аёл қўшни кўчада истиқомат қиладиган Гулнора Каримованинг тилла тақинчоқларини қўлга киритиш учун ақл бовар қилмайдиган ҳийла-найрангни ишга солди. Унга хуфёна тарзда уйқу дори ичириб, карахт ҳолга солгач, алдов йўли билан "Шовот" канали соҳилига бошлаб борди. Сўнг у дори таъсирида қаттиқ уйқуга кетган қизни сувга итариб юборди. Бу қабиҳликка қўл урганга қадар у қизнинг чўнтаклари ва сумкачасини титкилаб, 514 минг сўмликдан зиёд қимматбаҳо буюмларни қўлга киритган эди.

Эзгу орзу-ниятларга ҳалол ҳаёт ва ҳалол меҳнат туфайлигина эришиш мумкинлигини етти ухлаб тушида кўрмаганлар орасида урганчлик Нигора Оллақова ҳам бор. У атиги 100 минг сўм учун қотилликка қўл урди. Урганч шаҳрининг 3-даҳаси, 31-уйида бўлган бир меҳмондорчилик фуқаро Шукрулло Ҳайитовнинг ўлими билан тугади. Нигора Оллақованинг хонадонида бўлган бу "ўтириш" чоғида кайфу сафо авжига чиқди. Меҳмон Шукрулло Ҳайитовнинг ширакайфлиги, қуюшқондан чиққанини фаҳмлаган аёл унинг сумкасини титкилаб, 100 минг сўм пулини ўмарди. Кайфи тарқагач, пул йўқлигини англаган Шукрулло Ҳайитов Нигорага дардини ёрди. Пулни қайтаришни сўради. Нигоранинг эса "мардлиги" тутди, у буни ошпичоқ ёрдамида "исботлаб" қўя қолди.

Jinoyat va jazo

Ҳазораспик Р. Авазов эса бир йўла иккита оғир гуноҳга ботди. Динда ҳам, қонунда ҳам қиморбозлик қаттиқ қораланади. Бироқ Абдулла Ёқубов номидаги хўжаликнинг 6-бўлимида яшаган Баҳром Тўраев, Ҳикмат Эшниёзов, Жонибек Одинаев, Отамурод Отажоновлар ана шу лаънати ўйинга ружу қўйдилар. Қиморбозлик бекорга қораланмаган. Демакки, унга берилишнинг ўзи бир гуноҳ. Унинг оқибатида содир бўлган фожиа эса кечирилмас жиноятдир.

Ўшанда қиш эди. Қиморда Р. Авазовга ютқазган Отамурод Отажонов тикилган пулни "эгаси"га бермасдан уйига равона бўлади. Авазов эса буни ўзича номардликка йўяди ва Отамуродга қарши пичоқни ишга солади.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

Ehtiyot bo`ling: firibgar!

***Хоразмлик Раҳмон (исмлар ўзгартирилди) қўшни республика фуқароси бўлмиш Қаҳрамон исмли шахсдан "Леганза" русумли автомашинани оғзаки келишув асосида сотиб олди. Бироқ машина божхона орқали қонуний сотиб олинмагани учун уни ўз номига расмийлаштиролмади. Нима қилишни билмай юрган кунларнинг бирида қорақалпоғистонлик Ҳусниддин исмли киши билан танишиб қолди.***

# "ЛЕГАНЗА" ТУЗОҒИ



Суҳбат асосида Раҳмон машина сотиб олгани, лекин уни номига расмийлаштирмагани сабабли ҳайдамаётганини айтди.

Шунда Ҳусниддин бу ишни уддалаши қўлидан келишини айтди. Ўзаро келишув шу билан тугадики, Ҳусниддин ҳеч қанақа давлат божи тўловларисиз машинани Раҳмоннинг номига ўтказиб берадиган, бунинг эвазига Раҳмон 4 миллиону 200 минг сўм тўлайдиган бўлди. Иккови кейинги учрашув манзилини белгилаб олиб, қуюқ хайрлашишди.

Ҳусниддин муқаддам Жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан жарима жазосига тортилган эди. Бироқ у бундан тўғри хулоса чиқармади. Обрўли фирмада раҳбар бўлиб ишлаётган бу йигит тўрт миллион сўмни қўлга киритиш учун астойдил киришди. Бу орада Раҳмон унга ваъда қилинган миқдордаги пулни бериб кетди. Бироқ иш Ҳусниддин ўйлаганчалик осон кўчмади. Шунда у эски таниши Абдулланикига йўл олди. Унга аҳволни тушунтириб, ёрдам беришни сўради. Абдулла рози бўлгач, Ҳусниддин унга режасини баён этди. Абдулла унинг кўрсатмасига биноан тамомила ўзга шахс номида бўлган "Леганза" автомашинасига эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб, Беруний туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Қалбаки ариза тасдиғи сифатида уч нафар қўшниси номидан сохта тушунтириш хатлари ёзди ва уларга ўзи имзо чекди. Шу тариқа Абдулла бир пасда "Леганза" автомобилининг эгаси бўлди-қолди.

Ишнинг Абдуллага боғлиқ томони қарийб битган эди. Энди бу ёғи Ҳусниддинга чўт эмасди. У ҳужжатларни кўтариб, фуқаролик суди биносига кириб келди. Суд аслида сохта бўлган даъво аризаси қаноатлантирди. Ҳусниддин Беруний туманлараро автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш бўлинмасига учради ва машинага қисқа муддатлик техник талон олди. Нотариус орқали машина "эга"лари орасидаги ишонч қоғозини тасдиқдан ўтказишга ҳам улгурди.

Шундан сўнг енгил нафас олиб, ҳужжатларни Раҳмоннинг қўлига тутқазди. Хайрлашиш чоғида унга яна бир қанча ваъда берди.

Лекин орадан кўп ўтмай диёнатни унутган, нафсига эрк бериб, иймонидан ажраган товламачининг лоф уришлари бекор бўлиб чиқди. Беруний туман прокурорининг кассация протестига асосланиб, фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди Беруний туманлараро фуқаролик судининг фуқаро Абдулла Дўсчоновга "Леганза" автомашинасига эгалик ҳуқуқини бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини бекор қилди. Турли қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш билан мутасадди идоралар ходимларини чалғитишга уринган ва фирибгарлик йўли билан жуда кўп миқдордаги пул маблағларини ўзлаштирган қаллобнинг барча кирдикорлари фош этилди. Жиноят ишлари бўйича Элликқалъа туман суди Ҳусниддин Каримовни қилмишига яраша қонуний жазолади. Алдамчилик орқали ўзлаштирилган 4 миллиону 200 минг сўм устига энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баробари миқдорида жарима ҳам тўлайдиган бўлди.

**Анажон РАЗЗОҚОВА,**
**ҳуқуқшунос**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Jahon tajribasi

***БМТ доирасида амал қиладиган халқаро ҳужжатлардан бири Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактдир.***

# PACT CIVIL and POLITICAL RIGHTS

У муқаддима, 6-қисм ва 53 та моддадан иборат бўлиб, унинг йигирма олти моддаси инсон ҳуқуқларига бағишланган. Пактда эътироф этилган инсон ҳуқуқларининг кенг қамровли тизими таркибини яшаш, эркинлик ва шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи, ўзбошимчалик билан қамалишдан муҳофаза қилиниш, адолатли судлов, оила қуриш, кўчиш эркинлиги, касаба уюшмалари тузиш ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида унга кириш каби ҳуқуқлар ташкил этади. Мазкур ҳуқуқлар қонун билан кафолатланган ва унга ҳамма бирдек амал қилиши шарт. Пактда инсон манфаатларига хизмат қилувчи бошқа ҳуқуқлар ҳам эътироф этилган. Геноцид жинояти учун ўлим жазосига маҳкум этилган кишининг авф этиш ёки ҳукмни юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эгалиги ана шундай ҳуқуқлардан биридир. Шунингдек, Пактга мувофиқ, ҳали 18 ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарилмайди. Бу ҳуқуқ ҳомиладор аёлларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда инсоннинг ҳуқуқий манфаатлари барча нарсадан устувор деб эътироф этилган ва инсон манфаатига қарши барча ҳаракатлар қонун асосида таъқиқланган. Хусусан, Пактнинг 20-моддасида урушни ҳар қандай йўсинда тарғиб этиш, айирмачиликка, душманликка, миллий, диний, ирқий ғанимликни ёқлайдиган ҳаракатлар қонун йўли қатъиян маън этилган.

Ушбу Пактни ратификация қилган давлатлар унда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш хусусида ўзлари қабул қилган тадбирлар ва мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш борасидаги натижалар ҳақида ҳар йили БМТ қўмитасига маърузалар тақдим этади. Тақдим этилган маърузаларни инсон ҳуқуқлари қўмитаси ўрганиб чиқади ва умумий тартибдаги мулоҳазаларни Пакт иштирокчиси бўлган давлатларга маълум қилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактга қилинган қўшимча Протокол ҳам илова қилинган бўлиб, у 14 моддадан ташкил топган. Ушбу Протоколда айрим шахсларнинг муайян ҳолатларда, яъни Протоколни ратификация қилган давлатларда инсон ҳуқуқлари бузилиши муносабати билан шикоят беришга ҳақли экани қайд этилган. Қўшимча Протоколни ҳам кўплаб давлатлар ратификация қилган бўлиб, унинг қоидаларига қатъий равишда амал қилинмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ва унга қўшимча Протокол инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

**Маҳмуд ЭГАМБЕРДИЕВ**

Inson huquqlari himoyasi

*Поп туманидаги Чоркесар қишлоғида яшовчи Адолат Ҳайдарова ва унинг ён қўшниси Р.Усмонов ўртасида низо келиб чиқади. Икки ҳовлини бир-биридан ажратиб турадиган девор жанжалнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Натижада Р.Усмонов фуқаро А.Ҳайдаровани уриб, унга нисбатан енгил даражада тан жароҳати етказади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52-моддаси 2-қисмига кўра суд ҳуқуқбузар Р.Усмоновни айбли деб топади ва шу модда билан жарима жазосига тортади. Айни пайтда суд аризачи А.Ҳайдаровани эса майда безорилиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддаси билан ҳуқуқбузарликда айбли деб топади ва унга нисбатан жарима қўллайди.*

# ТУГАГАН МОЖАРО



МЖКнинг 183-моддасида жамоат жойида уятли сўзлар билан ҳақорат қилиш, шилқимлик қилиш каби ҳаракатлар кўрсатилган бўлса-да, аризачи А.Ҳайдарованинг ҳаракатида бундай ҳолатлар мавжуд эмас. Чунки жанжал ҳовлида содир этилган.

Шу боис Наманган вилояти адлия бошқармаси жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2003 йил 10 октябр куни фуқаро А.Ҳайдарованинг маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорини назорат тартибида ўрганган ҳолда бекор қилиб, унга етказилган маънавий зарарни ундириш, унинг бузилган ҳуқуқини тиклаши учун жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судига шу йилнинг 23 январ куни тақдимнома киритган эди.

Яқинда мазкур масала юзасидан жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси З.Иброҳимов раислигида назорат тартибида суд жараёни бўлиб ўтди.

– Иш ҳужжатларига кўра, — дейилади суднинг ҳал қилув қарорида, — Раҳмонали Усмонов Адолат Ҳайдарова билан қўшни бўлиб яшаб келган. Маҳалла аҳли йиғилиб қаердан девор қуриш мумкинлигини кўрсатишган. Бунга ҳар икки томон рози бўлган. 2003 йилнинг 21 сентябр куни Адолат Ҳайдарова қўшниси Раҳмонали Усмоновдан "Нима сабабдан деворни нотўғри қурдингиз?" — деб сўрайди. Ўртада жанжал чиққач, Р.Усмонов уни уриб, аёл кишига нисбатан енгил тан жароҳати етказади.

Гувоҳ Дилрабо Қурбонованинг тушунтириш хатида ёзилишича, уйда иш қилаётганида қайнонаси А.Ҳайдарова, қўшниси Р.Усмонов билан девор тўғрисида гаплашаётганлигини эшитган. Қайнонаси қўшнисига деворни нотўғри олганлигини айтган. Р.Усмонов унинг гапидан норози бўлган. Икки ўртада жанжал чиққан.

Шунингдек, суд-тиббий экспертиза хулосасига кўра, А.Ҳайдарованинг ўнг томон пешонасида қонталашлар, шилинмалар, чап тирсак ва кафт бўғимлари устидаги қонталашлар, иккала кафт ва болдирида шилинмалар кўринишидаги тан жароҳатлари мавжудлиги, ушбу жароҳатлар енгил тан жароҳати ҳисобланиши кўрсатилган.

Юқоридагилардан кўринадики, А.Ҳайдарова ўзининг уйига қўшниси Р.Усмонов томонидан нотўғри девор олинганлиги тўғрисида у билан гаплашгани чиққан ва унга нисбатан Р.Усмонов томонидан тажовуз бўлгандан сўнг ушбу жанжал келиб чиққан.

Шуларга асосан жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2003 йил 10 октябр кунидаги қарорининг А.Ҳайдаровага нисбатан қисми Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 271-моддаси 1-бандига асосан А.Ҳайдарованинг ҳаракатида ҳуқуқбузарлик аломати йўқлиги сабабли бекор қилинди. Шу тариқа адолат қарор топди.

**Қурбоной КАРИМОВА,**
**ҳуқуқшунос**

Jinoyatlar tarixi

# ЖАЗОЛАНМАГАН... ҚОТИЛ

Бу жиноят иши бир қанча қалин томлардан иборат. Изқуварлар ўнлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган жиноятчиларни қўлга тушириш учун тун-у кун ҳаракат қилишди. Натижада улар ниятларига етишди. Лекин жиноятнинг асосий айбдори ва ташкилотчисини жазолашга муяссар бўла олишмади. Камдан-кам учрайдиган ҳолат: жиноятчи ўзини-ўзи ўлимга маҳкум этди.

Қаҳратон қишнинг ўрталари эди. Санкт-Петербург шаҳрининг Нилский шоҳкўчасида жойлашган кичкина сомсахоналардан бирида милиция ходими номаълум жиноятчи томонидан ўлдириб кетилди. Изқуварлар жиноятчи милиция ходимининг қуролини олиб кетганини аниқлашди. Демак, жиноятчи бу қуролдан фойдаланади. Ҳақиқатдан ҳам, шундай бўлиб чиқди. Ўша йилнинг кузига бориб шаҳардан унча узоқ бўлмаган Дубна қишлоғининг йўл бўйидаги ошхонасида қотиллик рўй берди. Яна икки нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими ҳалок бўлди. Отишма чоғида бир неча турдаги қуроллардан фойдаланилган. Шу жумладан, йўқолган тўппончадан ҳам. Шундай қилиб, икки жиноий иш бирлаштирилди. Кейинчалик маълум бўлишича, жиноятчилар аввалари ҳам бир неча марта қотилликка қўл урган.

Жиноятчиларнинг илк қурбони тадбиркор аёл бўлган. У эълон орқали қандайдир Евгений Фёдоров деган йигит билан танишади. Аёлнинг мақсади шаҳар марказидан ўзига уй сотиб олиш эди. Евгений ваъда қилган уйни кўришга аёлнинг бир ўзи келади. Лекин у ўзи харид қилмоқчи бўлган уйда асосан дайдилар яшашини, уй ҳали дастлабки таъмирдан ҳам чиқмаганини билмас эди. Фёдоров ҳам ҳеч қачон бу уйда яшамаганди. Аёл эса ўзининг янги танишининг исмшарифи шаҳардаги жиноятчилар даврасида яхшигина "машҳур" эканидан бехабар эди. Ахир, Евгений турли қамоқхона ва колонияларда ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда бекорга 20 йил "ўтирмаган"-ку...

Гапнинг қисқаси, Фёдоров тадбиркор аёлни ўлдириб, унинг машинасига эгалик қилади. Ўғирланган автомашинада у шаҳар ва шаҳар атрофидан ўзига янги қурбонлар излай бошлайди. Бу қабиҳ ишларни бошлаш учун унга шериклар керак эди. Евгений ҳам ўзига ҳамтовоқлар қидира бошлайди ва уларни тез орада топади ҳам. Унинг ёрдамчилари Андрей Карсаков, Константин Рудас, Александр Скобелев, Александр Шапаренко ўзига ўхшаб бир неча бор қамалиб, тиканли сим ортидаги ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб кўрганлардан эди. Шу боис ҳам, улар Фёдоровнинг "биргаликда сайр" қилиш ҳақидаги таклифига жон-жон деб рози бўлишди. "Иш" пайтида унга сўзсиз итоат этишга розилик билдиришди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, «бошлиқ» ҳар доим ҳам "ёрдамчилар"ни ўзи билан бирга олиб юрмасди. Хусусан, Невский шоҳкўчасидаги сомсахонада содир этилган қотилликни шахсан ўзи амалга оширди. У ўша куни жазмани билан тушлик қилгани ошхонага кирди. Нима учундир хўрандалар оз эди. Шунда у ним қоронғу бурчакда овқатланиб ўтирган милиция ходимига кўзи тушди. Фёдоров унинг чарм ғилофдаги тўппончасини кўриб, нияти бузилди. Жазманига кўчага чиқиб кутиб туришни буюрди. Ўзи эса буфетчи аёлнинг ошхонага кириб кетганидан фойдаланиб милиция ходимининг орқасидан борди-да, икки маротаба курагини мўлжаллаб ўқ узди. Сўнгра унинг қуролини олди-ю, кўчага чиқиб одамлар оқимига қўшилди.

Кўп ўтмай, у яна бир қотилликка қўл урди. Евгений шаҳар ташқарисидаги йўлдан машинасини елдириб борарди. Кўча четида ўтган-кетган машиналарга қўл кўтараётган ёшгина қизчага кўзи тушди. Машинани тўхтатиб, қизни ёнига таклиф қилди. Суҳбат давомида қизнинг талаба эканини, институтга шошаётганини билиб олди. Қиз ўзига тўқроқ оиладан бўлса керак, қулоқларида кишини кўзини қувнатадиган катта-катта балдоқлар тақилган эди. У ишни чўзиб ўтирмади. Машина салонининг ўзидаёқ қизни бўғиб ўлдириб, унинг болдоқларини қўлга киритди.

Кунларнинг бирида у ҳамтовоқлари билан мижози кўп қаҳвахоналардан бирида пайдо бўлди. Ғазначи хотинни кекса бўлгани учун ўлдиришмади. Оёқ-қўлини боғлаб стул тагига ташлашди. Энди ишни бошлаймиз деб туришганда аёл бир амаллаб сигнализация тугмачасини босишга улгурди. Жиноятчилар бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

Шу кетишганча бир ой Кастромада айшу ишрат қилишди. Ахир, шаҳарда улар кўтарган шов-шув ҳали-ҳануз босилгани йўқ эди-да. Улар Кастрома шаҳрида ҳам бекор ўтиришмади. Ўзларига ёқмаган тижоратчилардан бирини "тинчитишди".

Санкт-Петербурглик изқуварлар ҳам анойилардан эмас. Охир-оқибат улар жиноятчиларнинг изларига тушишди. Ниҳоят, жиноий гуруҳ ўзининг қадрдон шаҳрига қайтишга қарор қилди. Изқуварлар уларнинг қаерга ва қачон қайтишларини аниқ билишарди. Шу боис ҳам, жиноий гуруҳ аъзоларини қўлга олиш ҳеч қандай талофатсиз ўтди. Уларнинг ҳаммасини алоҳида-алоҳида камераларга жойлаштиришди ва тергов ишлари бошланди. Ана энди Фёдоров тақдирга тан берса бўларди. Йўқ, у осонликча жон берадиганлар тоифасидан эмас. У қочишга бел боғлади. Ва сал бўлмаса мақсадига эришай ҳам деди.

Гап шундаки, у билан бир камерада велосипед ўғриси Самсонов деган йигит ўтирарди. Дунёнинг қизиқлигини қарангки, иккала ўғри ҳам бирбирига шу қадар ўхшар эдики, бир қарашда улардан қайси бири Самсонову, қайси бири Фёдоров эканлигини ажратиб олиш мушкул эди. Евгений бу ўхшашликдан имкони борича фойдаланишга ҳаракат қилди. Ахир, ётиб қолгунча отиб қол, деганлар-ку.

— Соқолни яхшилаб ўстирсам бас, айнан Самсонов бўламан, — деган қарорга келди Фёдоров.

Шундай қилиб, велосипед ўғриси устидан кўрилаётган суд иши мажлиси ниҳоясига етиб борарди. Буни қарангки, Самсонов ўрнига Фёдоров судланаётганини на милиция ходимлари, на суд ҳайъати биларди.

— Қандай яхши, ҳадемай озодликка чиқаман, — дея юраги ҳапқирарди Фёдоровнинг.

Бироқ жиноятчи кўзлаган ниятига етолмади. Қотилнинг режасини суд мажлисига кечикиб келган Самсоновнинг хотини барбод қилди. У "эрининг" ёнидан ўтаркан, ҳайратдан оғзи очилиб қолди. Қандай ўхшашлик! Тавба.

Бирпасда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди. Фёдоровнинг якка ўзини алоҳида камерага қамаб қўйишди. Орадан бир неча кун ўтди. Шу кунлар ичида Евгений нималар ҳақида ўйлагани фақат унинг ўзи-ю ёлғиз худога аён.

— Ўзимни осаман, — шундай қарорга келди у.

У тўшакни йиртиб арқон тайёрлади ва дераза панжарасига ўзини осди.

Нима бўлишидан қатъи назар, у ўзини ўзи ўлдириб ҳамтовоқларига катта ёрдам берди. Суд давомида барча шериклари айбнинг ҳаммасини унга тўнкашди. Шу боисдан ҳам, суд ҳайъати Карсаков, Рудас ва Скобелевларни "йўл-йўлакай" қилган жиноий ишлари учун жазолади. Шпаковский ва Шапаренколарни эса суд озод этди.

**Хориж материаллари асосида Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ тайёрлади.**

Charxi kajraftor

## ПОРА ВА ЖАЗО

Немислар ҳақида сўз кетганда, негадир уларга "қонунни ҳурмат қилувчи, бировнинг ҳақини емайдиган халқ", дея таъриф берилади. Биз ҳам шундай фикрда эдик. Лекин немислар орасида ҳам порани яхши кўрадиганлари бор экан. Агар шундай бўлмаганида эди, немис ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари Германия бундеслигасида иштирок этадиган "Мюнхен — 1860" футбол клуби президенти Карл-Хайнц Вильдмозер ва унинг ўғлини жиноятчи сифатида қамоққа олишмаган бўларди. Буни қарангки, клуб президенти ва унинг ўғли порахўрликда айбланмоқда. Ота-бола пора бўлганида ҳам унча-бунча эмас, нақд 2 миллион 800 минг евро олганликда гумон қилинмоқда. Немис қонуншуносларининг фикрига қараганда, клуб президенти ушбу порани "Aiphe" қурилиш компаниясидан янги футбол майдони қурилишини компанияга бериш учун олган. Ушбу воқеа сабаб немис полицияси дунёга машҳур "Бавария" футбол клубида ҳам тинтув ўтказди. Аммо бу машҳур жамоадан гумон қилишга лойиқ далилий ашё топилмади, деб хабар берган "Дойче Велле".

Агар Вильдмозернинг пора олганлиги хусусидаги тахминлар ўз тасдиғини топса, уни ва ўғлини узоқ муддатли қамоқ жазоси кутаяпти.

## ЧИРОҚ ҚАЕРЛАРДА ЎЧМАЙДИ, ДЕЙСИЗ...

Кўпчилик кейинги пайтларда тез-тез чироқ ўчишидан нолийдиган бўлиб қолган. Айримлар «шунга нима бўлибди, чироқ бўлгандан кейин ўчади-да», дейиши мумкин. Чунки чироқ ўчиши ҳолати уй тугул космодромларда ҳам рўй бериб турибди. Дунёга машҳур Бойқўнғир космодромида ҳар тўрт соатда чироқ ўчиб қолади. Бунинг сабаби шундаки, космодром электр таъминотчилари олдида қарздор. 2004 йилнинг бошидан буён Бойқўнғир космодроми электрчилардан 25 миллион танга (178 минг АҚШ доллари) миқдорида қарз бўлиб қолган. Электр таъминотчилари агар "космодром масъуллари қарзларини тўламаса, бойқўнғирчиларни бутунлай электрда бебаҳра қилиб қўйишлари" ҳақида огоҳлантирган.

**Сардор БОЗОРОВ тайёрлади.**




Taajjub

# "ИМЗОЛАР МЕНИКИ ЭМАС!.."

## ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ «РАҲБАРИ» ДАЪВОНИ НЕГА ТАН ОЛМАДИ?

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Масъулиятни ёддан чиқарган ходим кредит маблағи "мақсадли ишлатилган" деб гажакдор имзо қўйган. Далолатномада деҳқон хўжалиги раҳбари имзоси сохталаштирилган.

Хўш, бу нимани англатади?

Лоқайдликми бу ё ...

Албатта, томонлар ўртасида тузилган кредит шартномасининг 3-бандида муддатидан олдин кредит талаб қилиш белгиланган. Шунга кўра, даъвогар томон даъво аризасида кредит шартномасини бекор қилишни сўраган. Мазкур талаб Фуқаролик кодексининг 382-моддаси 1-бандига мос тушади.

Биринчи босқич суди шартномани бекор қилиш, кафил ва қарздорни солидар тартибда жавобгарликка тортиш ҳамда кредит, фоиз суммасини улар ҳисобидан худди шу тартибда ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бундан ташқари суд мазкур воқеа юзасидан жиноят иши қўзғатиш бўйича хусусий ажрим чиқарди. Тўпланган материлларни дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказиш учун вилоят прокуратурасига юборди.

Гулмурод Ҳаққиев фирибгарлик йўлини танламаганда, турмуш ўртоғи билан бамаслаҳат иш юритганда, банк ҳужжатларни расмийлаштириш ва кредитнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича эътиборсизлик қилмаганида низо келиб чиқмасди.

Табиийки, бу воқеа юзасидан қонун ўзининг адолатли сўзини айтади, айбдорлар қилмишига яраша жазо олади.

Фақат кишини ўйлантирадиган томони шундаки, бугун мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар тоифасини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида уларга кредит маблағлари ажратилаётганини афсуски, баъзи кимсалар шахсий манфаатлари йўлидаги имтиёз, деб билишмоқда. Тарафлар ўртасида келиб чиқаётган низолар таҳлили мижозларнинг кредитларни шартнома ёки бизнес режада кўрсатилган йўналишларга эмас, балки ўзлари хоҳлаган йўлда ишлатаётганини кўрсатмоқда. Хулоса шуки, кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида мониторинг ўрнатишни кучайтириш лозим. Шундагина кредит суммаси ўз вақтида қайтарилади. Айни чоғда хўжалик юритувчи бошқа субъектларга ҳам кредит маблағи ажратиш, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш имкониятлари туғилади.

**Яндаш АЗИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Jinoyat va jazo

# ҚОРА ҚИЛМИШ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

У арзимас пулни, дея Отажоновнинг кўкрагига тиғ уради.

Оддий тасодиф туфайлигина у жиноятини охирига етказа олмайди. Хайриятки, О.Отажоновнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ўтган йилнинг 9 декабр куни Питнак шаҳрида содир этилган мудҳиш жиноят замирида ҳам деярли ҳеч қандай важ-сабаб йўқ. Аммо қилмиши қора кимсадан яхшилик кутиб бўлармиди?

Шаҳардаги 3-ётоқхонада истиқомат қилиб келган Юрий Абдуллаев муқаддам ҳам бир неча бор жиноят содир қилган. Судланган, қамалган. Аммо тузалмаган. Қаланғи-қасанғиликни ўзи учун бирдан-бир "тўғри" ва "ишончли" йўл санаган. Юрий ўша куни аразлаб кетиб қолгани учун жазмани Санам Қўчқоровадан боплаб қасд олмоқчи бўлади. Шу ниятда кийимлари орасига хўжалик болтасини яшириб, никоҳсиз "жуфти ҳалоли"ни излаганча ҳамшаҳри Қадам Отажоновнинг уйига кириб боради. У болта билан дастлаб уй эгасига ҳамла қилади. Аммо шу ерда ҳозир бўлган фуқаро Ҳабибулла Бобожонов хонадон соҳибини муқаррар ўлимдан асраб қолади. Шундай бўлса-да, Юра шаштидан тушмайди. Ҳ.Бобожонов уй эгасини муҳофаза қилиш билан овора эканидан фойдаланиб, ҳимоясиз қолган Санам Қўчқорова томон ташланади. Болта нишонга бир неча марта урилади. Қўчқорова ҳаёти учун хавфли ҳисобланган оғир тан жароҳати олади.

Жиноят ҳеч маҳал беиз кетмайди. Қонун қора қилмиш учун доимо тегишли жазо белгилайди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олди.

Айтмоқчимизки, дунёни ёвузлик эмас, ҳамиша эзгулик асрайди. У нечоғлик барқарор бўлса, ёвузликка ҳам шу қадар кўп қирон келтиради. Лоқайдлик, хотиржамлик, бепарволик ҳукмрон жойда эса олдинига арзимас икир-чикирлар юзага келади, пировардида эса ёвузликнинг аччиқ меваси ниш уради. Шундай экан, юқорида қайд этилган ножўя хатти-ҳаракатларининг илдизига разм солган киши унда кимларнингдир совуққонлиги оқибатларини ҳам кўради.

Зеро, содир бўлган жиноий воқеаларда маҳалла-куй, жамоатчилик, ота-оналар, мактаб ва бошқа маҳкамаларнинг ҳам айби бор. Мудҳиш жиноий воқеалар бир кунда ва тасодифан рўй бермаган. У аста-секинлик билан пишиб етилган ва чор-атрофдагилар уни билиб-сезиб юрган. Бироқ худбинлик, лоқайдлик, совуққонлик, бепарволик сингари иллатлар охири бахайр тугамаслиги аниқ бўлиб қолган иллатларга қарши кураш йўлларини бекитиб қўйган.

Ҳа, қора қилмиш инсонийлик бурчи, фарз ва қарзлари унутилган жойдагина юзага келади.

**Отабек РЎЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Nadomat

# ХИЁНАТНИНГ ЖАЗОСИ

## СУД ОЧЕРКИ

*Суднинг қора курсисида ўтирган йигит — Толиб (исмлар ўзгартириб берилмоқда)нинг ёши 28 да. У айни пайтгача бирор ножўя хатти-ҳаракат қилмаганди. Бироқ ўткинчи ҳиссиётларга берилгани боис, шу ёшида шаънига доғ туширди.*

### I. ТАНИШУВ

Толиб "Дамас" русумли автомашинасида Данғара тумани маркази-Сойшилдир қишлоғи йўналиши бўйлаб киракашлик қила бошлагач, топиш-тутиши анча яхшиланди. Одатий кунларнинг бирида йўловчиларни қишлоққа элтиб қўйиб, қайтишга "мижоз" кутиб турганда кўҳликкина бир қиз машинага яқинлашди. Унинг чиройи, нозли боқишлари Толибни танишишга ундади.

— Ҳа, синглим, йўл бўлсин? Машинага ўтиринг, обориб қўяман, - деди қизга жилмайиб.

– Машинангизга чиққанимдан кейин обориб қўясиз-да, - деди жилмайиб қиз.

– Исмингиз нима?

– Дилобар.

– Дилобар, исмингиз ҳам ўзингизга ўхшаган чиройли экан?

– Бўлмасам-чи. Сизники-чи?

– Менинг исмим Толиб.

Шундай қилиб, улар танишиб олишди. Бир-икки учрашувдан сўнг Дилобар Толибни ёқтириб қолганини айтди. Гарчи оилали бўлса-да, Толиб қиз билан "апоқ-чапоқ" бўлиб, тез-тез учрашадиган бўлишди.

### II.ҚОТИЛЛИК

Шу йилнинг 8 январь куни Толиб дўсти Аброр билан соат 16-00 ларда туман марказидаги ошхоналарнинг бирига кириб, озроқ улфатчилик қилишди. Йигитлар ошхонадан кўчага чиқишганда катта йўлнинг ёқасида турган Дилобарни учратишди.

– Уйга кетмоқчи бўлиб тургандим, - деди Дилобар салом-аликдан сўнг.

– Уйингизга обориб қўямиз. Аввал бирор ерга бориб ўтирайлик, бироз суҳбатлашайлик, - деди кайфи тароқ Толиб. Қиз бу таклифга рози бўлгач, Толиб уни ва дўстини шу ердаги мактаб ҳовлисига бошлади. Қишнинг чилласи бўлса-да, "ошиқ-маъшуқлар" нималарнидир гаплашишар, Аброр худди пойлоқчидек бир четда ўтирарди. Бир пайт Толибнинг маҳалладошлари бўлган Азимжон, Назиржон ва Раҳимжонлар келиб қолишди. Улар ҳам ширакайф эди. Икки йигит билан қоронғуда бемалол ўтирган қизни кўриб, бирдан Назиржоннинг нияти бузилди.

– Толиб ака, ёнингиздаги гулғунча ким? Бизни у билан таништирмайсизми? - дея дабдурустдан шилқимлик қила бошлади Назиржон.

– Назир, ўзингни бос, ука. Бу сен ўйлаган қизлардан эмас, - деб кескин жавоб берди Толиб.

– Ўтиришига қараганда "мен ўйлаган"дан қолишмайди, шекилли, - дея кўрсроқ жавоб қайтарди Назиржон.

Бу гап Толибнинг баттар жаҳлини чиқарди. У уриш учун Назиржонга ташланди. Аммо Аброр ва бошқа йигитлар уларни ажратиб қўйишди. Шундан кейин Толибнинг илтимоси билан Аброр Дилобарни кузатишга кетди. Назиржонни эса ҳамроҳлари шу атрофдаги бильярдхона томон олиб кетишди. Толиб эса Аброр келишини кутмай уйига кириб кетди. Кирди-ю, ўзидан беш-олти ёш кичик йигитнинг сўзларини эслаб, яна жазавага тушди. У ўзини "маъшуқа"сининг олдида камситилгандек ҳис қилди. Бунинг учун Назиржонни танобини тортиб қўйишни мўлжаллади. Шу мақсадда ошхонага кириб ошпичоқни олди-да, курткасининг чўнтагига солиб, кўчага чиқди.

– Дилобарни ташлаб келдингми? - деб сўради бильярдхонага етмасдан учраган Аброрга. Дўстидан тасдиқ жавобини олгач, бильярдхонадан Назиржонни чақириб келишни илтимос қилди. Толибнинг асл мақсадини билмаган Аброр унинг илтимосини бажо келтирди. Назиржон ўзини четга тортган Толибга биринчи бўлиб мушт туширди. Бу эса Толибга "жон" киргизди. У чўнтагидан пичоқни чиқариб Назиржоннинг чап қўли ва кўкрак қафасига санчди. Оғир жароҳатланган Назиржон аранг 5 метрча юриб ерга йиқилди. Йиғилганлардан бири "тез ёрдам" чақирди. Йигитлар Назиржонни машинага чиқариб шифохонага жўнатишди. Аммо бунинг фойдаси йўқ эди. Чунки Назиржоннинг ётган жойидаёқ жони узилган эди.

### III. ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Толиб маҳалла посбонининг хизматхонасига бориб, бўлган воқеани рўй-рост гапириб бериб, айбига тўлиқ иқрор бўлди. Суд унинг қилмиши юзасидан адолатли ҳукм ўқиди. Албатта, жазо тайинлаш жараёнида содир этган жинояти ҳақида ўзи хабар бергани инобатга олинди.

Шу ўринда Толибнинг қисматидан бохабар бўлган ҳар қандай киши аввало унинг ўзини айбдор деб топиши шубҳасиз. У гулдек хотини ва икки нафар фарзандларига хиёнат қилиб, Дилобар билан дон олишиб юрди. Бу ножўя иши оқибатида бугун суднинг қора курсисида ўтирибди. Мазкур масалада Дилобарнинг айби ҳам "акажони"никидан кам эмас. Наҳотки, у ўзининг хатти-ҳаракати бир оиланинг барбод бўлишига олиб келишини ўйламаган?

Хулоса шуки, ўзганинг ёри билан ҳеч ким бахтли бўлмаган, бўлолмайди ҳам. Ҳар ким ҳаётда ўйлаб қадам босиши зарур. Зеро, хиёнатнинг жазоси ҳамиша оғир бўлади.

**Хадича МУСАХОНОВА,**
**ҳуқуқшунос**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**журналист**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-219. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50